



ТОШКЕНТ О'QSHOMI

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 77 (9.727) 2002 йил 3 июль, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлиги талабаларининг ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлиги ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 4535 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 8970 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 4535 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 8970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 5435 сўм миқдорини белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақига қўйилган устима ва кўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалиқ оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оширилиши билан боғлиқ ҳарajatлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўлими:

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ ҳарajatлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан белгиланган тартибда 2002 йил 1 августидан бошланган иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуот-қасми Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўлими:

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 1 июль.

TRANСПОРТ

Амалиётга татбиқ этилмоқда

Бугунги кунда «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар йўловчиларга хизмат кўрсатаётган асосий транспорт воситаларига айланиб қолди.

Аҳоли учун жуда мос ва қулай бўлган бу хил немис автобуслари «Тошшаарйўловчиган» Давлат уюшмасига қарашли автосаройларда тайлабгина.

Учинчи автосарой иختиёрида эса «Мерседес-Бенц»ларнинг 20 дан ортиги мавжуд. Улар шаҳримиз кўчаларида турли йўналишларда қатнаб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Замонавий автобуслар техник созлигини таъминлаш, улар умрини узайтириш йўлида қўрилаган техник тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. Бунда, шубҳасиз корхона рационализатор ва иختиорчилари изланишлари ҳам қўл келмоқда. «Мерседес-Бенц»ларни таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва узелларни ишлаб чиқаришга дадил киришилганиги ҳам айтиш мумкин.

Сарой рационализаторлари саъй-ҳаракати билан қатор техникавий янгиликлар юзга келди. Кейинги уч ой мобайнида 5 га яқин тақлиф амалга оширилди. Шу ўринда тажрибали ва моҳир чилангар Алоиддин Файзуллаев изланишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Толмас техника ижодкорининг автобус қоробкасининг иккиламчи вагини қайта ишлаш усулини жорий этиш борасидаги изланиши юқори баҳоланади. Бу хил маҳсулотнинг ҳар бирдан корхона 150 минг сўмдан фойда кўрмоқда.

Диска гайкаларини шпиндель билан мустаҳкамлаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган рационализаторлик тақлифи ҳам муҳим техник янгилик бўлди. Кейинги уч ой мобайнида яна бир неча рационализаторлик иши амалиётга татбиқ этилди. Булар эвазига сарой 600-700 минг сўмлик иқтисодий самарга эришди.

Сарой маъмурияти техника ижодкорлари меҳнатини муносиб тақдирлаб келмоқда. Иختиорчилар ва рационализаторлар шўбаси бу соҳада алоҳида ўрнатилган фаол ишловчиларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Йил охирига яна бир неча техника ижодкорлиги амалиётга татбиқ этиладиган бўлди.

Аҳмад АХРОВОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



БУНЁДҚОРЛИК

Аждодларимизга эҳтиром

Пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси бугунги кунда қўлғу зияратгоҳга айланган. Бу ерга ташир буюрган ёш қари қатагон қурбонлари хотирасини ёд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш орқали эл-юрт эркинлиги йўлида ўз азиз жонларини фидо айлаганлар олдидаги бурчимизни бирмунча адо қилишимиз мумкинлиги таъкидланган. Бинобарин, яқинда мажмуа яна бир муҳташам бино билан гўзаллашади. Бу салобатли бино Бўсув канали қирғоғида қад ростлаётган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейидир. Ушбу қурилиш майдонига ҳозирги кунда 100 нафардан зиёд қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Айни кунларда эса қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоятлаб, музейнинг ер ости хоналари ҳамда экспозициялар залида пардозлаш юмушлари қизғин давом этмоқда. Пардозлаш ишларини шахримиздаги «12-трест» хиссадорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси илғори, моҳир гишт теруви Файрат Иброҳимов, — Ушбу музейга нафақат ҳамюртларимиз, балки турли давлатлардан келган хорижий меҳмонлар ҳам ташир буюришади. Шу боис ҳам бу ерда меҳнат қилаётган барча касб эгалари ўз маҳоратларини намоён этишмоқда. Меҳнатимиз билан шаҳид кетган ота-боболаримиз руҳини шод эта

олсак, бундан беҳад мамнунмиз.

Қурувчилар гайрати билан ишлар қизғин авж олган ушбу музейни Мустақиллик йилнинг 11 йиллиги арафасида қўйилганга топириш кўзда тутилган. Шу боис ҳам ҳадемай бу ерда ободонлаштириш ва кўзаландириш юмушлари ҳам бошлаб юборилади. Шунингдек, ҳозирда музейнинг қўриқларида эҳтиёткорлик ҳисобидан қўриқчилик қилинмоқда. Демак, ҳамюртларимизнинг музей залларига қадам қўйишлари, у ердан маънавий озик олишлари оғина вақт қолди.

Дилноза ФИЁСОВА

СУРАТЛАРДА: (Унгдан) илгор гишт теруви Файрат Иброҳимов ўз меҳнатидан мамнун; қурилиш майдонига; бунёдқорлар Умидулла Норматов ва Тоҳир Хасановлар ўз маҳоратларини ишга солишмоқда.

Сергей Любич

олган суратлар.

ҚИСКАРА

ТОШКЕНТ молия институтида бўлиб ўтган «Иқтисодий эркинлаштириш шароитида банк тизимининг роли» мавзусидаги конференцияда Республика марказий банки ходимлари иштирок этишди.

● **ЖАХОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетида талабаларнинг ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказиш мақсадида ўтказилган семинар-тренинг «Инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартлари» деб номланди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга диплом топириш маросимлари ўтказилмоқда. Жумладан Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда, Тошкент Давлат техника университети қошидаги касб-ҳунар коллежиди, Тошкент радиотехника ва автоматика коллежиди, Сергели Политехника касб-ҳунар коллежиди, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида ёшларнинг Собир Раҳимов туман ИИБ ходимлари иштирокида

уюштирилган учрашуви «Оғоҳликка даъват» деб номланди.

● **ШАХРИМИЗ** маҳаллаларининг бир гуруҳ оқсоқоллари Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ҳудудидаги Билдирсой қишлоғига саёҳат уюштиришди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Нўғойқўрган» маҳалласида фаоллар иштирокида «Оналар ва болаларни тўғри оқватлантиришда «Нестле» компанияси маҳсулотларининг роли» мавзусида ўтказилган тадбир Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман «Маҳалла» жамғармалари ташаббускорлигида уюштирилди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида туман ҳокимлиги ва Меҳнат биржаси ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида иқтидорли болалар иштирокида миллий қадриятларимиз ҳамда аъёнларимизнинг келажакимиз ворисларига ўргатиш мақсадида Чилонзор туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган кўрик-танлов «Барҳаёт аъёнлар» деб номланди.

СПОРТ

Хабар берганимиздек, Малайзияда бокс бўйича XXI Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда 27 мамлакатдан ташир буюрган 161 нафар спортчилар қаторида бизнинг энг кучли ҳамюртларимиз ҳам ғалаба учун кураш олиб боришди.

Боксчиларимиз муваффақияти

Шуниси эътиборга лойиқки, беш нафар боксчимиз финал баҳсига йўлланма олди. Дастлаб 54 килограммга вазнда тошкентлик Бехзод Хидиров рингга тушди ва ўзининг тайландлик рақибини енгган ҳолда тарма жамоамиз жамғармасига илк олтин медални қўшди. Шу тариқа 63,5 килограммга вазнда Бахит Сарсеков, 75 килограммга вазнда жаҳон чемпиони Ўткирбек Хайдаров, 81 килограммга вазнда Икром Бердиев ҳамда энг оғир вазнда Рустам Саидовлар ўз рақиблари устидан ғалаба қозониб, олтин нишонларга эга бўлдilar. Кейинги натижаларни кўрсатган Покистон ва тайландлик боксчилар 2 тадан олтин нишонларни қўлга киритишди.

Шу тариха бешта олтин ва учта бронза нишонларини қўлга киритган юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Ҳозир улар Жанубий Кореяда ўтадиган Осиё ўйинларига тайёргарлик кўришмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

Жанговар дуранг

Мамлакат XI миллий чемпионати 15-тур учрашувлари билан биринчи давра мусобақалари якунига етди.

Пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоаси билан меҳмонда ўйнаган «Пахтакор»чилар мurosасиз, ушбу кескин ўйинда 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг натижани қўлга киритишди. Дарвозаларга голларни меҳмонлардан Қурбонов, Моисеев, пойтахтликлардан Қуттибоев ҳамда Солиевлар йўллашди.

Шаҳримизнинг яна бир жамоаси «Трактор»га эса ушбу турда омад қилиб бокмади. Чунки сафарда «Машъал» билан куч синашган «трактор»чилар йирик 0:4 ҳисобиди рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Навбахор» — «Самарканд-Динамо» 3:0, «Андижон» — «Бухоро» 2:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» 1:1, «Нефтчи» — «Қуқор-1912» 6:3, «Қизилқум» — «Зарафшон» 5:0, «Сурхон» — «Насаф» 2:3.

(Ўз мухбиримиз).

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Янги саҳна асари

Республика кўғирчоқ театри репертуари яна бир янги спектакль билан бойиди. Махшур ёзувчи Г. Андерсеннинг ҳикояси асосида саҳна юзига кўрган бу спектакль болажонларга манзур бўлмоқда.

Аслида мазкур постановка «Гургут ушлаган қизалоқ» спектаклининг давоми бўлиб, болакайлар куз ўғида қизикarli воқеалар намойён этилади.

Кичик саҳна усталари янги спектакль устида ишлаш жараёнида ўзига хос режиссура усулларидан фойдаланишди. Постановкачи-режиссор Динара Йўлдошева ўзига юклаган ана шу талабни яқин удаллади.

Спектаклга таникли бастакор Алишер Икромов жозибали мусика ёзди. Саҳна безакларини расом Сергей Седухин яратди.

Асардаги бош ролни артист Венера Юсупова ижро этди.

Анвар ВАЛИЕВ

XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Куролли кучлар бўйича қўмитасининг Тараққиёт ва харбий тадқиқотлар бўйича ички қўмитаси раиси Дункан Хантер раҳбарлигидаги делегациясини қабул қилди.

● Хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда давлат рамзаларидан фойдаланишнинг ўрни ва роли» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ва республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Хабар берганимиздек, пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек номидаги боғида «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигини

ўн йиллиги муносабати билан «Ватан рамзлари — муқаддас» мавзусида халқ сайли бўлиб ўтди. У Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Олий Мажлис Ешлар ишлари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси ҳақида сўз борди.

● АҚШ Экспорт-импорт банки катта вице-президенти Жеффри Миллер бошчилигидаги мазкур банк делегациясининг мамлакатимизга тўрт кунлик ташир буюриши натижасида, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бизнес-форум ташкил этди.

● Мамлакатимизга келган НАТО илмий қўмитаси ишчи гуруҳи вакиллари Самарқандда бўлишди.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги республика профессионал хонандалари ўртасида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда голиб чиққан «Нихол» мукофоти совриндори Абдор Париев «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди.

● Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида истеъдодли мусаввир Жонпўлат Башаров хотирасига бағишланган кўргазма очилди.



Жаҳонда

● Люксембург савдо-санаят палатасида Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари тақдими бўлиб ўтди.

● Мисрнинг Таббин металлургия институтида Ўзбекистонлик олимлар билан ҳамкорликда яратилган кўш ёш пелкеси лабораториясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Қоҳирада чоп этиладиган «Ал-Ахром» газетасида ёзилишича, атоф-мухитга мутлақо безарар бўлган ушбу кўш ёш пелкеси араб дунёсида ягонадир.

● Дания Испаниядан Европа Иттифоқи кенгашига раислик қилиш наватини қабул қилди. Раислик ваколати 6 ойга мўлжалланган.

● Бугун Норвегия пойтахти — Ослода рақ касаллигига қарши кураш масалаларига бағишланган умумжаҳон конференцияси ўз ишини давом эттирди. Ушбу анжуманда жаҳоннинг 110 давлатидан мутахассислар иштирок этмоқда.

● Афғонистоннинг янги Президенти Ҳамид Карзай яқинда ўз ҳукуматини эълон қилган кунни кеча биринчи йиғилишини ўтказди. Йиғилиши очар экан, Ҳамид Карзай ўз сўбасининг бош мақсади марказий ҳокимиятни

мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатда барқарорликни қатъий таъминлаш эканлигини айтди.

● АҚШнинг Пентагон ташкилоти Урузгон вилояти жаҳондаги қишлоқлардан бирида нишонланаётган тўй маросими устига қандай қилиб бомба тушганлигига ойдинлик киритиш учун Афғонистонга махсус текширувчилар гуруҳини юборди.

● Кеча Германия жанубида «Бошқирдистон ҳаво йўллари» компаниясига қарашли «Ту-154» йўловчи самолёти билан юк ташувчи Боинг-757 самолёти юқори баландликда тўқнашиб кетган. «Домодедово» аэропортидан Барселона-Москва йўналиши бўйича парвоз қилган «Ту-154» бортида 57 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзолари бўлиб, йўловчиларнинг 52 нафарини болалар ташкил этди. Юк ташувчи самолётда эса икки нафар ўқувчи бўлган. Ҳозирча қурбонлар сони 71 нафар, дея эълон қилинаётган бўлса-да, лекин бу рақам ортиши мумкин. Фожианинг аниқ сабаблари ўрганилмоқда.

● Бошқирдистон Президенти рўй берган авиакатастрофа қурбон бўлганлар хотирасига республикада мотам кунини эълон қилди.

● Чили олий суди мамлакатнинг собиқ диктатори Аугусто Пиночетнинг руҳий ҳасталиги боис, суд жараёнини давом эттиришни тўхтади.

ТАДБИРКОР

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг саҳифаси

ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

— Шорасул, ушбу хунарга қандай қизиқиб қолгансиз? — Ушанда 4-синфда ўқийдиган 10 ёшли болакай эдим. Умуман тўрида раҳматли дадамнинг суратлари осиглиқ турарди. Уларнинг суратларига тикилиб, мен учун азиз ва қадрдон чеҳрани ўз кўлим билан қоғозга туширигим келди. Расм тайёр бўлганда эса онамнинг кўзларидан қувонч ёшларини кўриб, бола қалбимда илк орзу пайдо бўлди: «Расмом бўламан», деб ахд қилдим. Шундан сўнг расм чизишга «мукка»дан кетдим, десам янглишмайман.

Ана шу орзу қанотида, Беньков номидаги республика рассомчилик билим юртида таҳсил олдим. Устозларим Жаббор Оқилбоев, Раиса Козеренколар истеъдод ва интилишга мадад бўлишди.

— Ижодингизга нималар илҳом беради?

— Ҳозирда «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш марказида миниатюра устаси сифатида фаолият кўрсатар эканман, ўзимнинг асарларимда миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни эъзозлагим, инсонлар қалбига гўзалликка меҳр-муҳаббат уйғотгим келади. Албатта, тарихга мурожаат қилган ҳолда юртимиз гўзаллигини, инсонларимиз қал-

бидаги бекиёс туйғуларни ифода қиламан. Асосан тарихий асарлардан, ижодий меросимиздан илҳом оламан, мустақиллик йилларининг сурури, асрларга татигулик истиклолимизнинг ўтган даври мени ижод сари ундайди.

Асрлар оша яшаса

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Ҳа, мамлакатимизда айнан шундай бўлган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳар йили уларнинг меҳнати доруғини юртимизга ёймоқда. Ана шундай Шорасул Шохамедовдир. У пойтахтимиздаги «Мусаввир» миниатюрчи рассом. У шахримизда ўтказилган «Ташаббус» биринчилиги кўлига киритилган ва «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлиб, мамлакатимиз Президентини сориғини олган.

— Хорижда ҳам мухлисларингиз бор экан...

— 1999-2000 йиллар давомида Англия, Германия, Швейцария ва бошқа давлатлардаги кўргазмаларда ижод намуналарим билан қатнашдим. Ушбу кўргазмаларда ижодимизга бўлган қизиқиш мени янада кўпроқ изланишга ундамоқда.

— Эзгу ниятларингиз...

— Қани энди ҳозирда юртимиз миниатюра усталарининг яратган асарлари ҳам буюк устозимиз Камолиддин Беҳзод ижоди сингари асрлар оша яшаса, дунё халқларини завқлантирса, лол қолдирса дейман. Ана шу ният йўлида тинмай изланаман ва ўрганишдан чарчамайман. Қўлимга мўйқаламни олганимда ҳамиса буюк даҳо сиймоси мени эзгуликка етаклайди. Насиб этса, ўлмас асарлар яратиб мустақил юртим довуғини жаҳонга ёйишга ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: Шорасул Шохамедов 1999 йилда Англияда ўтказилган кўргазмада ўз ижод намуналари билан.



КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Ишончимни орттирди

● Мақсуд Валиев, тадбиркор:

— Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароитлардан мамнун бўлган ҳолда, бу соҳадаги айрим тўсиқлар, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашушларнинг содир бўлаётганлиги киши дилини ранжитади. Мен ҳам ўз фаолиятимни бошлаш давомида баъзи қийинчиликларни бошдан кечирдим. Шунда ҳеч иккиланмай, шаҳар адлия бошқармаси қошида ташкил этилган «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилдим. Бошқармада ташкил этилган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари менинг ҳуқуқимни ҳимоя қилишда катта ёрдам беришди ва менга етказилган моддий ва маънавий зарар жавобгар шахсдан ундириб берилди.

Шу боис ҳам ҳуқуқ ҳимоячиларига, ўз кучимга бўлган ишончим тобора ортиб, тадбиркорликни қайтадан бошлашга, бу борада ҳуқуқий ва иқтисодий билимларимни янада мустаҳкамлашга аҳд қилдим.

Бунга чек қўйилса эди...

● Адиба КЕНЖАЕВА, хусусий тадбиркор:

— Хусусий ошхона очганман. Илкони борича хўрандаларга яхши хизмат кўрсатишга, овқатлар сифатини яхшилашга ҳаракат қиламан. Озгина фойда тушди дегунча, ошхонани талаблар даражасида жиҳозлашга, овқатлар турини кўпайтиришга ҳаракат қиламан. Аммо айрим таъмагир шахслар ўз ва-

зифаларини суиистеъмол қилиб, ишимизга ҳалақит беришаётганидан ранжиймиз. Айниқса, баъзи бир участка нозирларини ҳар куни бепул овқатлантирганимиз етмаганидек, улар баъзида ёр-биродарларини ҳам бошлаб келишиб зиёфат ташкил этишни талаб қилишади. Агарда бу ишни қилмасангиз эртасидан турли хил текшир-текширлар, чақирувлар бошланади. Нима қилишга ҳайронман. Хўрандаларга туппа-тузук хизмат кўрсатаётган ошхона ёпишга кўзим қиймайди. Бу ҳол қачонгача давом этишини эса билмайман.

Катта аҳамиятга эга

● Садриддин Жўраев, кичик корхона раҳбари:

— Кейинги пайтда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик равнақида ҳуқуқимиз томонидан берилаётган эътиборни шундай яққол кўриш мумкинки, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу борада айниқса бошловчи тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъмирлаш, уларга боғнона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни муддаодир. Мен ҳам «Бизнес-фонд» кўмаги билан тижорат банкидан ана шундай кредит олишга муваффақ бўлдим. Бу мен учун тадбиркорлик ишимни ривожлантиришда катта мадад бўлмоқда.

СИЎЛМАР, СОҶЕМАР, ХАВАРЛАР

Халқаро экотуризм йилига бағишланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан 2002 йил халқаро экотуризм йили деб эълон қилинганидан хабарингиз бор. Бу тадбир доирасида атроф-муҳитнинг экологик софлигини таъминлашга доир сабъ-ҳаракат ишлари амалга оширилмоқда.

Республика Давлат болалар кутубхонасида ўтказилган «Ёшлар ва экотуризм» мавзусидаги учрашувда ҳам экотуризмнинг қатор муҳим масалаларига эътибор қаратилди. Буюк ипак йўлини қайта тиклашда халқаро йилнинг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

«Ўзбекистон — жонажон ўлка» деган кўргазма ҳам ташкил этилди. Экология ва экотуризмга доир китоблар ва бошқа нашрларни ўз ичига олган бу экспозиция доирасида турли ўйинлар ташкил этилди.

Қизиқарли ўтган бу тадбирни ташкил этишда Тошкент шаҳар «Экосан» клуби ҳам фаоллик кўрсатди.

Акбар АЛИЕВ

Лаборатория

тадқиқотлари самараси

Мамлакатимизда автомобиль йўллари қуриш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари бўйича тайёрланаётган лойиҳаларни яратишда Тошкент автомобиль йўллари институти олимлари фаолият кўрсатмоқда.

Олий ўқув юртининг «Йўл қурилиш» факультетида олиб борилаётган изланишлар натижасида яна қатор янги лойиҳалар юзага келди. Кўприклар ҳолатини синаш, қурилиш материаллари лабораториялари тадқиқотлари асосида ҳам янгиликларга қўл урилди.

Автомобиль йўлларида транспортдан фойдаланишни янада яхшилашга қаратилган изланишлар ҳам самарали бўлди. Бу борада автомобиль лабораторияси тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Транспортдан фойдаланиш сифат кўрсаткичларини баҳолаш борасида ҳам кўп иш қилинмоқда.

«Автоматистлар — XXI» тармоқ синов лабораторияси эса сертификатлаш имкониятига эга бўлди. Йўл қурилиш материаллари лабораториясида ўтказилган аккредитация аттестацияси қўлланган натижани берди.

Бинобарин, институтнинг бу каби лабораториялари тадқиқотлари республикамизда автомобиль транспортини ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

Ёшлар кечаси

Мана мамлакатимизда айни кунларда мактаблар, коллеж ҳамда лицейларда ўқув йили якунланиб, битирувчилар давлат имтиҳонларини муваффақиятли таломлашди. Битирувчи ёшлар энди ўзлари танлаган соҳалари бўйича кимдир олий ўқув юртига ўқишга, яна кимдир севаган касби бўйича ишга ошиқмоқда.

Кунини кеча шахримиздаги «Авиасозлар» маданият саройида Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан ўшбу тумандаги мактаб, коллеж ҳамда лицейларни битирувчи ёшлар кечаси ўтказилди. Кечада туманлар ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ўқувчи ва талабалар ҳамда ота-оналар қатнашди. Байрамона ўтган кечада сўзга чиққан битирувчи ёшларга келгусида ўқиш ва ишларида омад ҳамда оқ йўл тиладилар. Тадбирда шунингдек, битирувчи ёшлар орасидан ўқишни аъло баҳоларга битирган ўқувчи ва талабаларга муносиб совғалар топширилди.

Шодиёна ўтган ёшларнинг битирув кечасида таниқли санъаткорлар «Ўхжа», «Сетора», «Жозиба» гуруҳи, Манзура, Отабек Мадраҳимов, шунингдек, тумандаги маданият уйлари бадий ҳаваскорлари ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар ёшларнинг шодиёна кечасига ўзгача файз, хушнудлик бахш этди.

Дилдора АБЗАЛОВА

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Ускуна тайёрланди

Шаҳримиздаги «SV.CO.LD» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган черепица маҳсулотлари қад ростлаётган биноларимиз томини безашда кўриниши, мустаҳкамлигини таъминлашда чидамлилиги билан ажралиб туради. Ушбу корхонада ойига 3 минг квадрат метр турли рангдаги ана шундай черепицалар тайёрланиб, буюртма асосида қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда.

Шу билан биргаликда корхона тадбиркорлари черепица ишлаб чиқарадиган ускуна ясаб, уни бўлғуси тадбиркорларга тавсия этишмоқда. Улар тайёрлашга муваффақ бўлган ушбу замонавий дастгоҳда кунига 200 та сифатли черепица ишлаб чиқариш мумкин.

— Ушбу ускунани сотиб олган тадбиркор асло янглишмайди, — дейди уни йиғишда фаол иштирок этган корхона директорининг ўринбосари Рустам Набиев. — Биз ҳозирда мамлакатимиз вилоятларидан ушбу дастгоҳларни тайёрлаб бериш учун 30 миллион сўмлик шартнома тузишга муваффақ бўлдик.

Ҳа, тадбиркорлик билан иш юритиш — замон талаби. Буни «SV.CO.LD» жамоаси ахли яхши англашмоқда.

Ўз мухбиримиз

ДИЛ СУЗЛАРИ

Имкониятлардан оқилона фойдаланамиз

● Баҳодир МИРХАБИБОВ, «MIRSAZAVA» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бош директори:

— Юртимиз одамлари азал-азалдан тадбиркор, ишбилармон. Ана шу тадбиркорлик мустақиллигини шарофати билан юзага қалқиб чиқди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожига қаратаётган бекиёс эътиборлари боис ҳам ушбу соҳанинг иқтисодий имконияти ривожидан янада янги йилдан йилга ортиб бормоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар импорт ўрнини босмоқда, хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда, рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорида ўз ўрнига интиломоқда. Корхонамиз ўз фаолиятини 1996 йилда бошлаган бўлиб, электроника соҳасидаги ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. 18 хил товуш кучайтиргичлар ишлаб чиқарамиз. 80-90 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб тайёрлаётган маҳсулотла-

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «WOOSUNG» Со шўба корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг харидорлиги билан ажралиб туради. Чунки ушбу корхонада сифатга алоҳида эътибор қаратишадди.

СУРАТДА: корхонанинг тўқув цехи илғори Галина Аҳмедова.



римиз тури 64 тадан ортиб кетди. Ўтган давр мобайнида ишчи-ҳодимларимиз иқтидорли ёшлар ҳисобига 25 нафардан орти. Маҳсулотларимиз хорижидан асло қолишмаслиги билан бирга, нархи бир неча баравар арзонлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам харидорларимиз сафи ортиб бормоқда.

Шуниси қувонарлики, жорий йилда илк марта «Ташаббус — 2002» кўрик-танловида иштирок этиб, пойтахтимиз бўйича «Энг яхши тадбиркор» номини олдик. Изланишларимиз зое кетмапти, яна шуниси қувонарлики, Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва унинг тизимидаги ташкилотлари томонидан жорий йилнинг май ойида мамлакатимиз вилоятлари бўйлаб ўтказилган «MINTECH — 2002» кўргазма савдосида фаол иштирок этдик. Юртимизда тадбиркорликка қаратилаётган катта эътиборнинг ёрқин кўриниши бўлган ушбу тадбирда маҳсулотларимиз харидорлар томонидан ўз баҳосини олгани, буюртмаларимиз сони ортганлиги, янги-янги ҳамкорлар орттирганимиз

СУРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Тадбиркорлик шакллари

«Тадбиркорлик шакллари ҳақида маълумот берсангиз».

Карим Сафаров, Миробод тумани.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида тадбиркорликнинг 4 та шакли борлиги кўрсатиб ўтилган. Булар: яқка тадбирчилик, хусусий тадбиркорлик, жамоа тартибидеги меҳнат, аралаш тадбиркорлик фаолиятларидир. Келиб чиқиб тарзига қараб эса тадбиркорлик тузилмасини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- давлат тасарруфидан чиқарилган;
 - хусусийлаштирилган;
 - тижоратлаштирилган;
 - нодавлат мулк эгаларининг улушлари ҳисобига;
 - фуқароларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига янгидан ташкил қилинган.
- Маъмурий-ҳуқуқий аломати бўйича тадбиркорлик тузилмаларини яқка мулк эгаси томонидан ҳам, жамоат тарзидеги тадбиркорлик томонидан ҳам тақдим қилинган жиҳоний ёки юридик шахс мақоми олиши мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

Яхшилар бор бўлсин дунёда

Менинг ёшим етмиш бешда. Биринчи гуруҳ ногирониман. Ёлғиз яшайман. Қаровчи ва боқувчи йўқ. Бахтимга ажойиб кўни-кўшиларим бор. Бир кун ҳам эътиборсиз қолдиришмайди. Уларнинг болалари менинг набираларим. Енгил-елпи бозор-ўчаларимни қилишади, ҳовлимга қўкатлар экиб, парваришладда ёрдам беришади, иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришади. Мен уларга жуда-жуда суяниб қолганман, барака топишсин.

одам кириб келди. Ўзини Ҳамза тумани ҳокимлигининг масъул ходими деб таништирди. Сўнг ҳол-аҳволим, туриш-турушим билан қизиқди. Ҳовли-жойимга, нураб бораётган деворлар, чакка ўтаётган бўғотларга разм солди. Дардимни эшитди, ҳамсуҳбат бўлди... Аста-секин унинг таъмирлаб берилган кўнглини кўтарди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб ўша одам шундан яна кириб келди. Кўзимга иссиқ кўринди. Она-боладай кўришдик. Ёнида ҳамроҳи ҳам бор

эди. У дарвоза эшигимни назардан ўтказди. Эшигим курғур очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Тахталари қий-шайиб, синиб кетган, кўча шундоқ кўриниб турарди. Эртасигаёқ ўша одамнинг ўзи бosh бўлиб кичикроқ темир дарвоза ўрнатиб кетишди. Кейинроқ суриштириб билсам бу меҳрибон одам «Сдпоав Узнерго» таъмир бошқаруви директори Шавкат Гофуров экан. Ўша кун Ҳамза тумани ҳокимлиги номидан менга ёрдам пули берилди. Бошим осмонга етди.

Мендан тез-тез хабар олиб турган, барча ёрдамларини аямаётган одам Ҳамза тумани ҳокими ўринбосари Шавкат Жавлонов экан.

Садағангиз кетай яхши одамлар, омон бўлинглар. Олтин олма, дуо ол деганлар. Менинг сизларга қиладиган яхшиликим — бу дуо юнглигимни қилиш, Оллоҳдан сизларга узок умр, сийхат-саломатлик ва омад тилашди, умрингиздан баракка топинг, яхши одамлар.

Турсуной ХАЛИЛОВА, I-гуруҳ ногирони, Ҳамза туманидаги Миршаропов номи маҳалла фуқароси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

Жадвалга риоя қилинади

Газетамизнинг 2002 йил 10 май сонидеги эълон қилинган «Трамвай кутуб» номи танқидий мақола юзасидан «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари М.Мирқосимов имзоси билан қуйидаги жавоб мактубини олдик:

«Тошкент оқшом» газетасининг 2002 йил 10 май сонидеги «Трамвай кутуб» сарлавҳаси билан чоп этилган танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси тизимидаги 3-трамвай-троллейбус депоси ҳайдовчи, чиптача ва техник-муҳандис ходимлари ўртасида атрофлик муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси тизимидаги корхоналарда керакли микдордаги транспорт воситалари етишмаслиги сабабли айрим йўналишлар иши йўловчилар талабига жавоб бермайди. Янги транспорт воситалари харид қилиниши билан шаҳар йўналишлари иши, қолаверса янги йўналиш ташкил этиш масаласи қайта кўриб чиқилди.

25-трамвай йўналишини транспорт воситалари билан тўлиқ таъминлаб, жадвалга риоя қилган тарзда ташкил этиш 3-трамвай-троллейбус депоси раҳбари ўринбосари Н.Исломова зиммасига юклатилди.

Ризоуддин ибн Фохридин машхур олим ва фозил эди. Унинг ахлоқ-одоб ва тарбияга оид қўлбал асарлари бор. Шулардан бири — «Катталарга насихат» номли асарининг сўнги қисми «Ун бир насихат» деб номланади. Биз уни бир оз қисқартириб ҳаёда оқшомхоналарга тақдим этаймиз.

Биринчи насихат: бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу-алам келганда сабр қилинг. Инсоф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Ҳаммининг иззат ва ҳурматини баҳо келтиринг. Пул, молу дунёингизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўрманг.

Одамларнинг қўнғилларини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчилларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Мурувват аҳлиларидан намуна олинг. Ташқи қиёфанингиз ва кўнглингизни пок-соф тутинг. Ўз билигингизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уруғларингизни эйбат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бировдан қардор бўлсангиз, ваъда қилган кўнгиңгизда топширинг. Қўнғилдан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар кун бошингизнинг эстиққа қўнғил вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севаининг, маъносиз ишларингизга бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси кун нима ишлар қилишингизни ахшилаб ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорларингиз бўйича иш олиб бориңг. Қўнғил қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарларид, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига гафрат қилинг.

Иккинчи насихат: дўст, душман орасида юз қизартирдиган нарсаларни ишлагдан ҳазар қилинг, гўзал ҳулқи бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарч ҳам айрилманг. Ешда ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини оқсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одобли, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабанингиз, даражанигиз ошади, халқнинг ишончини қозонасиз. Адабсиз, тарбиясизлар билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражанигиздан туширишади, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қилишади.

Қўнғилларингиз билан яхши кун кечиринг, бир-бирингизнинг ҳолингиздан хабар олиб туринг, азғулқ қилинг, бир-бирингизни ёмонликдан қайтаринг. Ақлсиз, нодонлар дўстликка ярамайди, нар билан дўстлашманг, ҳеч нарсага арзимайдиган бўлмағур нарсаларга аччиқланиб асабийлашманг. Одамларнинг фазилат ва саодатларини кўролмай ҳасад ўтида ёнманг. Ҳасад виждонни роҳатсизлантиради, ҳасадчидан ҳамма нафратланади.

Китъа:
Ҳасад олам аро ҳосидга басдир
Ки, дам гусса бирла хамнафасдир.
Китъа гўча ўт ёндирғусидир,
Вале ул ўрта ўзин ургусидир.

Учинчи насихат: бошқаларнинг айбдорлини қўнғилдан вақтингизда ўз айбдорлигини ҳам тушуниңг, ўз айбон қўнғил киши бошқаларнинг айби билан шугулланмайди. Бировга чўқур қазиманг, у чўқурга ўзингиз тушасиз. Ҳақлик, тўғриликка қарши курашманг, ўзингиз йиқиласиз. Ҳеч кимни беобрў этманг, ўзингизнинг оубруйингиз тўкилади. Ўз фикрингизга таянманг, адашасиз. Такабурлик қилманг. Олим, фозил донолар билан кенгашиб иш қилинг, пушаймон емасиз. Олимлар мажлисига давом этинг. даражанигиз ошади, нодонлар билан улфат бўлманг, сиз ҳам улардан саналасиз. Оз сўзласангиз оз янглишасиз. Ёлгончилик билан шўхрланманг, ҳаммининг қўздан тушасиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг, ҳеч кимдан тамаъ қилманг. Билмаган нарсанингизни «билмайман» дейишдан уялманг. Қерақ бўлган илм, хуварни ўрганишдан тортимасдан ўрганинг, ўрганимасангиз, кейин пушаймон қиласиз. Ўзингиз истаган яхши ишни бошқаларга ҳам истанг. Қўнғилнингиз ваъза, насихат нури билан мунаваар қилинг. Тингланг, нафсингизнинг ҳамма орзуларини баҳо келтириб, уни семиртирсангиз ниҳоят фалокат, балки ҳалокатга учрайсиз. Утгалларнинг иш ва ҳолларини фикр қилиб, улардан ибрат олинг. Ўзингизга қерақ бўлмаган сўзларга аралашманг. Бузуқликка олиб чиқадиган йўлга асло қирманг. Шафқатли, марҳаматли ва хайр-эхсонли одамларга яқинлашсангиз, ҳамма сизни улар қаторида санади. Ҳақингиз бўлмаган ерга кўз ташланманг. Ишлай бошқалар елкасига юк бўлиб ётманг, жайрат қилиб ишланг. Ўз нонингизни меҳнатингиз орқали топиб енг.

Тўртинчи насихат: истаган нарсангиз бўлмағу қўлса, қайғуриб бетоқат бўлманг, сабр қилинг. Бир-бирингиз билан маслаҳатлашди ишланг. Келгуси кунларингизни уйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарсга учун сира ҳам қасам ичманг. Жамиятга зарар келтирадиган ишлардан сақланг. Очиқ жойда ишлаш улт бўладиган ишларни яширин жойда ҳам ишламанг. Айтишга ярамаган сўзларни оғзингиздан чикарманг. Ҳар бир маъносиз сўзларни сўзловчи валдир-вазар бўлманг. Олди-қочди сўзларга ишониб юрманг. Бошқаларни немисмай «ўзим билман» деб даъво қилманг, ўзингизни билармон этиб кўрсатманг, илмда сиздан ҳам юқори зотлар борлигини унутманг, мақтанчоқлик жоҳил-нодон кишилар ишидир.

Китъа:
Эй азизлар, кимки нодон бўлса,
кўп гавога этар.
Ҳеч билмай, балки кўрмай
билмагининг даъво этар.
Охири тортар хижолат халқ аро
қўздан тушиб.
Сўзига ҳеч ким ишонмас,
ўзини расво этар.

Бузуқ, ярамас кишилар билан ошна-оғайничилик қилишдан сақланг, чунки ўзингиз сезмасдан уларнинг ёмон ҳулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин.

Нон ва бошқа нозу нъматларни хорланманг, исрофгарчиликка йўл қўрманг, бирининг ички ва ташқи холини «ёмон одам» деб гўвоҳлик берманг. Бир одамнинг оёғи тойиб қайғу-ҳасратга гирифторм бўлганга шодланманг, унинг холи бир кун сизнинг бошингизга ҳам келиши мумкин. Молу давлатингиз билан одамларни рози эта олмасангиз, уларни яхши хулқингиз билан рози қилинг. Бировдан ўш олашга кўнғилгиз етса ҳам ўч олманг, хатосини кечиринг, аччиқланманг, ўзингизни босинг. Ҳузурингизда бировни гийбат қилган киши бошқаларга сизни гийбат қилади, бундай кишига кўнғил берманг. Маст киши билан ади-бади этишиб ўтирманг, ундан узоқлашинг.

Бир одам билан дўстлашгани истасангиз, муҳтожлик вақтингизда ёрдан қилувчи, тўғри сўзловчи, азгулгизингизни тақдир этувчи, қайғунгизга қайғуланиб, шодлигингизга шод бўлувчи пок қалби одам билан дўстлашинг, тил ёлғама мунофиқлар билан дўст бўла кўрманг. Қўчаларда заруратсиз йиғилиб, одамларнинг ўтишига халақит берманг.

Беинчи насихат: бир киши учун иккинчи бир киши билан орагини бузмаңг, улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб туривчи ишлар ва ёзиб туривчи қаламлар бордир. Шунинг учун қилган яхшиликларингизни ҳаммага айтиб мақтаниб юрманг. Ақлдан кўра тили кўчи бўлган, аччиқ сўзли ва маъносиз сўзлар сўзлаб юрган киши билан асло дўстлашманг. Ақлнингиздан бошқа тўғри насихат қилувчини изламанг. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Емон ишларни ишлаш эмас, ҳатто кўнғилнингизга келтирманг. Илм нурини бузуқлик суви билан учирманг. Одоб, ахлоқ, кийимидан бошқа гўзал қийим топилайди. Буни унутманг.

Олтинчи насихат: орангизда адоват, гинагўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Мартаба ва мансабни севишга мубтало бўлманг. Нопок нарсаларга вақтингиз ва пулингизни сарф этманг.

(Давоми бор).



билан «Ўзбекфильм» студиясига келдим. Акам болалар ролларига овоз берар, мен эса актёрларнинг галати ишларини томоша қилганча нафасимни ичимга ютиб, соатлаб ўтираверардим. Бу «ишқибозлигим» дубляж режиссёрларининг диққатини тортди шеклиди, бир кун эрмак учун мени ҳам синаб кўришди. Буни қарангки, овозим мос тушди. Шундан сўнг акасингил бирга дубляжда қатнаша бошладик...

Ўз соҳасининг билимдони

— **Фақат болалар ролларига овоз берармидингиз?**

— Эҳтиёбга қараб кўпчиња қизчалар ролига овоз берсамда, баъзан ўғил болалар учун ёки катталар ролига ҳам овоз беришга тўғри келарди. «Уч бақалоқ», «Душанбагача омон бўлсак», «Дубравка», «Хайлларастлар», «Тайга сирлари», «Ёкимо той қиз», «Курьер», «Чет эллик қиз», «Шиддат», «Мухаббат риш-таси»... очиги, кўпчилик фильмларнинг номи хотирадан кўтарилган. Чорак асрга тенг умрин дубляж студиясида ўтибди. Ҳозир ўша эски фильмларни кўриб қолсам, юрагим бир орқизиб кетади. Бу фильмлар умрининг бир қисмига айланганми, исмлари хаёлимдан чиқиб кетган қаҳрамонларим ҳамон менинг овозим билан гапираётганини ҳис қиламан. Дубляж студиясининг эшигини кўра-қиса мўралаганимга ҳам 40 йил бўлиб қолибди-да... Тўғри, охири йилларда хизматдан ор-тиб дубляжда қатнашолмай қолдим. Аммо, агар бир соатгина сираям йўқ, ўзи ёшлагандан кўраги тежагани ўрганманман. «Бекор ўтиргунча — бекор ишлагин», дейишни ёқтирдилар дадам. Оиламиз катта — 9 фарзанд эдик. Эсимни танибманки, ака-опаларимнинг бари қандайдир тўғаракларга қатнашар, му-сика ўрганишар, ўзидан кичикларнинг дарси ва хулқини на-зорат қилишар, доим бирор иш билан машғул эдилар. Мен ўзимдан бироз катта Шўҳрат акамнинг «оталиги»да бўлиб, ҳам-иша унга эргашиб юрдим. 3-синфда ўқиётганимда Шўҳрат акам

— **Шундай экан, нима учун актёрлик касбини танла-магансиз?**

— Ёшлигимдан оиламизда шифокорлик касби — жуда улғу-ва муқаддас касб саналарди. Кимнингдир дардига малҳам бўлишдан ҳам ортик савоб борми дунёда?... Онам ёшлиқлар-ида шифокор бўлишни оруз қилганлар. Фарзандларимнинг-ҳа бўлмаганда биттасини шифокорликка ўқитман, дерди-

ДИЛЛАШУВ

лар. Биз эса онамизни жуда яхши кўрар, орзулари ушлай-шини истардик. Оқибатда, мен мактабни битирган пайтда икки олам шифокор бўлиб ишлашар, Шўҳрат акам эса тиббиёт ин-ститутига ўқиётганди. Эҳтимол, доим эргашиб юрганам учун-ми, Шўҳрат акамнинг таъсири кўчирок эди. Ўйлаб ҳам ўтир-май ҳужжатларимни тиббиёт институтига топширдим. Била-сизми, инсон қандай касб эгаси бўлишига эмас, балки унинг меҳнатидан жамиятга қанча фойда тегиши мумкинрок.

— **Тули опа, эр-хотин баравар ишлайдиган шароитда фарзандлар тарбияси билан шугулланиш кимнинг зим-масида бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

— Албатта, тарбия учун эр-хотин баравар масъул, деб га-пиравериш мумкин. Кейин, ҳаёт пайдо бўлибдики, фарзанд тарбияси оналарнинг зиммасида. Айтилик, фарзанди хаста-ланса, онаси ҳамма ишини ташлаб боласини парваришлай-ди. Фарзандларни боғчага асосан оналари олиб боришади. Ота-оналар мажлисига бориш ҳам оналарнинг зиммасида. Ху-лоса: она — оиланинг маънавий устуни. Оиладан онадан олин-ган тарбия боланинг келгуси ҳаёти учун замин тайёрлайди. Ота эса оиланинг моддий тиргаги, ҳимоячисидир. Оиланинг фаровон ашши ёки пароканда бўлиб кетиши ҳам унинг қўл-дадир. Она эса фарзандларнинг нафақат соғлиги-ю ўқиши балки хулқ-атвори ва қизиқишлари, ички кечинмалари, қайғу-ва ташвишлари, хатто дўстлари, севгисигага бари-барини назорат қилиб туради. У фарзанд-ларни учун нафақат она, балки энг яхши мас-лаҳатчи ва энг яқин сирдош дўсти бўлиши ке-рак. Ота-онасининг аҳил муносабатларини, оила-даги тинч, дўстона муҳитни кўриб «кўзи пиш-ган» бола улғайган оиласини севадиган, яқинлигига меҳр-оқибатли одам бўлади.

— **Кафедрани қандай илмий ишлар олиб бораёсиз?**

— Кафедрани олимлари билан бирга узоқ йиллардан бери республикамиздаги аёллар ва болалар орасида кенг тарқал-ган эндемик бўқоқ ва камқонлики даволаш борасида кенг қўламдаги ишларни олиб бораёмиз. Миср Араб Республика-си, Германия, Қозғистонда ўтказилган халқаро анжуманлар-да қатнашиб, чет элларда эндемик бўқоқ ва камқонлики да-волашинг илгор усулларини ўргандик ва уларни Ўзбеки-стон шароитида амалда таъбиқ қилиш устида излангилми-з «Ўздонмахсулот» акционерлик корпорацияси билан ҳамкор-ликда камқонлики даволаш учун пархез нон махсулотлари ишлаб чиқаряёмиз. «Фарамид» моддаси билан бойитилган «Темворчи нон», «Феруз» печеньеши, йодли батон нонлар ва «Полворча» гўдаклар овқати шулар жумласидан бўлиб, бу пархез нон махсулотлари организмда темир ва йод моддаси етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган камқонлик ва бўқоқ касалликларининг олдини олишда катта ўрин тутайди. Ўзингизга маълум, аёл соғлом бўлса унинг фарзанди ҳам соғ-лом туғилади, соғлом бўлиб воғта етади. Она ва боланинг соғлиги эса соғлом келажақнинг гаровидир.

Мухаббат ЙҮЛДОШЕВА сўхбатлашди.

КҮШИҚ БАЙРАМИ

Она юрт улугланди

Кун кеча шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг «Маърифат ва маданият» маркази жамоесида Ички ишлар идоралари ишодий бошқармалари ўртасида «Ўзбекистон — кўшиқ байрами» Республика VII кўрик-таълооининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Она юртининг тинчлиги-осойишталиги, Ватанимиз сарҳадларининг даҳисизлиги, элимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини кўриклаш йўлида хизмат қилаётган Ички ишлар идоралари ходимлари мустақил Ўзбекистон, она-Ватан, хизмат бурчларига содиқ ўғлон ақалиқларини мадҳ этувчи куй ва кўшиқларни қўйлаб ўзларининг иккинчи истеъодларини намоян эдилар.

— Ушбу кўрик-танлов аънанавий тарзда, мана VII марта ўтказиб келинмоқда, — дей-ди Ички ишлар вазирилик Шайхсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори, мили-

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ҳаётга йўлланма

Тошкент юридик коллежи етук ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ўқув масканларидандир. Кун кеча ушбу билим даргоҳини тугатган 700 нафардан заёд йигит-қизга диплом топширилди.

Ушбу тантанали маросимни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхорр Фуломов очиб, битирувчиларни қизгин кутлади ва уларга дипломларни тантанали равишда топширди. Ҳар бир битирувчи йигит-қизнинг юз-кўзларидан шод-лик, устозларга билдириётган миннатдорчилик дил сўзлари, ян-раган куй-кўшиқлар тантанана алоҳида файз бағишлади.

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури дастуригина амалга оширишда коллежimiz жамоеси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди коллеж директори Мухаррам Сатторова. — Ўғил-қизларимизга бешта йўналиш бўйича ҳам билим берамиз, ҳам касб-хуна сирларини мукамал эғаллашларида тажрибеларимизни аямаймиз. Бугунги кунда бу борада 100 нафардан зиёд педагогларнинг ўз маҳоратларини намоян этишмоқда. Шуниси эътиборли-ки, ёшларга мукамал билим бераётган муаллимларимизнинг 12 нафари фан номзоди, доцент, кўпчилиги олий тоифали педагоглардир. Коллежimiz ўқувчилари пухта билим олиш билан бирга амалиёт ўтталари учун ҳам имкониятлар яратилган. Мана бу йилги битирувчиларимиз ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Махлсисидо, Олий Суд, Олий ҳўжалик суди, шаҳар адлия бошқармасида ва бошқа ташкилотларда амалиёт ўтаб, яхши натижалар кўрсатишди.

Махмуда ВАЛИЕВА

ШИФОБАХШ ҲСИМЛИКЛАР

Андиз

Халқимиз қадимдан андизни эъозлаб «Андизла ерда от ўлмас» дейди. Бунга сабаб ҳайвонларнинг, айниқса отларнинг бир қанча касалликлари, терилари, тўққларидо яралар бўлса, андиз фойдали ҳисобланаркан.

Ибн Сино андизни бўғим оғриғида, асаб тоналари ва бош оғриғида, нафас йўллари шамоллаганда юракни бақувватловчи, сийдик ҳайдовчи сифатида самарали ишлатган.

Яна андиз қандли диабет касаллигини даволашда ишлатиладиган дамламалар таркибига қиради. Илмий тиббиётда андиз илдини ва посядан ўпка касаллиғига балғам қўчирувчи, пешоб ҳайдовчи дорилар тайёрлашда фойдаланилади. Шифобахш ўсимлик гижжа ҳайдовчи восита сифатида наф беради. Ўсимликдан тайёрланган дорилар бак-терицид (бактерияларни ўлдирувчи) ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Шунинг учун у гастрит, энтерит, колит, гепатит, холецистит, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраларида, қандли диабет, бавосил, ларингит, фарингит, трахит, бронхит, ўпка шамоллашида ва бошқа касалликларга даво сифатида ишлатилади. Тайёрлаш ва иш-латиш усули қуйидагича. Майдаланган илдини ва илдиш пояларидан 2 чой қўшиқ соли-нади ва қайнаб турган сувдан 400 миллилитр қўйлади, 6-8 соат дамлаб қўйлади, 50-60 миллилитрдан кунига 3-4 маҳал овқатдан 20-30 дақиқа олдин ичилади.

Арсонкўйрук

Русча номи пустирник бўлиб, халқ табобатида у юрак хасталиқларида қувват берувчи омил сифатида ишлатилади. Тайёрланган қайнатма ва дамламалар юрак хасталиқларида яъни юрак тез-тез уриб кетганда, унинг мушаклари қувватини ошириб уриш тезлигини секинлаштиради. Яна у қон босимини пасайтиришда, асабини тинчлантиришда, сийдик ҳайдашда, ичакларда ел тўпланиб қолган маҳалда меъда ва ичаклардаги санчикларни тўқтатишда, энтикишда ва юрак уришини секинлаштиришда қўлланилади. У бемор қайфиятини яхшилайди ва енгил уйку дориси ҳам ҳисоблана-ди.

Бу дори углевод, ёғ алмашинувини созлайди, қондаги қанд, суг, пирозуум кисло-та, холестерин микдорини камайтиради. Ҳозирги вақтда дорихоналарда арслонкўй-руннинг ўти ва дамламалари мавжуд. Тайёрлаш усули: майдаланган кўн 2 ош қўшиқ олиб, 200 миллилитр қайнаб турган сув қўйиб дамлаб қўйлади, кейин докдан сузиб 2 ош қўшиқдан 3-4 маҳал ичилади. Агар тайёр дамламасини сотиб олган бўлсангиз уни 20 томчидан озгина сувга қўшиб ўч маҳал ичасиз.

Мухаддас ХОДИЕВА тайёрлади.

ТАДБИРЛАР

Ғолиблар — шаҳар босқичида

Шаҳримизда Қариларни қадрлаш йилига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар рағ-баринлиги, кўнғилда яқинли билан ажралиб туради. «Нуронийлар оромгоҳида Юнусобод туманидаги маҳаллар ўртасида «Барҳайт аънавалар» кўрик-таълооини бўлиб ўтгани фикрларингиз даъволади.

Ушбу тадбирда «Невара муборак», «Келин салом», «Танглай кўтариш», «Тортишмачок», «Чақалоқни бешикка солиш» каби миллий урф-одатларимиз акс этган маросимлар сах-нада кўрсатиб берилди, алла ва кўшиқлар ижро этилди. Турли одатларимиз шарҳлан-ди.

Кўрик-танловда «Оқтепа», «Бободехқон», «Чинор», «Уста Ширин» маҳаллаларидан Л. Са-лохиддинова, М. Исроилова, М. Акбарова, Ж. Мўйиноваларнинг ижро этган саҳна кўри-нишлари юқори баҳоланди. Уларга «Меҳри» аёллар жамияти раиси Н. Холмухамедова, Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Э. Ражабова ҳамда туман маънавият ва маъри-фат бўлими бошлиғи Н. Акбаровалар ми-ннатдорлик билдириб, совға топширдилар. Танловда ғолиб чиққан 10 нафардан ортик маҳаллалар фаоллари шаҳар босқичида қат-нашиш шарафига мўяссар бўдилар.

— Бугунги танловнинг «Нуронийлар ором-гоҳи»да ўтказилиши бежиз эмас, — дейди биз билан сўхбатда З. Усмонова. — Бу ором-гоҳда дам олаётган нуронийлар, маҳалла қар-иялари танловни мириқиб томоша қилдилар, ҳам маданият, ҳам маърифий аҳиямат касб этган тадбирлар янада кўпроқ ўтказилиши фойдало эканини таъкидладилар. Бизнинг «Оқтепа» маҳалламиздан иштирок этган Лаъ-лихон аянинг айтган аллалари барчани тўқинлантириб юрди.

Ҳақиқатан, фарзандларимизнинг ота-бобо-лари қадриятларини тиклаши, миллий урф-одатларимизнинг ўзимизга қайтаётгани иб-ратли жараёндир.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

«Нафосат садоси» эфирда

Келажагимиз ворислари — ёшларни маънан етук қилиб тарбиялашдек савобли юмушни ўз олдига мақсад қилган шаҳримиздаги Камолуддин Бехзод номидаги мизлий расомлик ва дизайн институтида хайрли иш амалга оширилди.

Институт ҳаётидаги муҳим янгиликларини, санъат оламидаги маълум мавзуларни, шунингдек, табрикли ва эълонларни талабалар ўқитувчиларга ўз вақтида етказиш мақсадида санъатшунослик факультети қошида «Нафосат садоси» номли радиосту-дия фаолият бошлади. Ушбу радиостудиянинг дастлабки эшиттириши талабалар ҳамда устозлар томонидан илиқ қарши олинди. Чунки санъатшунослик факультети талабаси Нафиса Қаюмова бошловчилик қилган ушбу эшиттиришда асосан маънавий-риивожида ёшларнинг роли ҳақида маънавият ва маърифат ишлари бўлими муди-ри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуқодир Қаюмов мазруза қилди. Шунингдек, эшиттиришда илм маскани ректори, профессор Усмон Қорабоев ҳамда санъатшунослик факультети 1-курс талабалари Фотима ва Зухра Қамбарит-диноваларнинг адабиёт, санъатнинг жамият ҳаётидаги ролига бағишлаб қилган маъ-рузалари ҳам барчада қизиқиб уйғотгани табиий.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар кунги ўттиз дақиқа орасида эфирга узатилаётган «На-фосат садоси» радиостудияси ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Ўзбекистон халқ ама-лий санъати музейида сақланаётган миллий қадриятларимизни ўзи-да акс эттирувчи ноёб экспонатлар санъат ил-лосмандларининг эъти-борини қозониб кел-моқда.

Суратда: музей ходими Комил Турсуналиев ноёб экспонатларни кўздан ке-чирмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.